

высококвалифицированных специалистов, готовых к вызовам современного финансового мира.

Таким образом, интеграция цифровых технологий в образовательный процесс представляет собой комплексный подход, охватывающий различные аспекты обучения и взаимодействия в академической среде, что ведет к повышению качества и доступности финансового образования, а также к подготовке специалистов, способных адаптироваться к быстро меняющимся условиям финансовых рынков.

Проблематика недостатка квалифицированных специалистов в сфере рынка ценных бумаг подчеркивает необходимость актуализации и расширения образовательных программ, что требует совместных усилий государственных структур, образовательных учреждений и финансового сектора. Интеграция цифровых технологий в образовательный процесс открывает новые возможности для повышения финансовой грамотности и подготовки специалистов, адаптированных к динамичным условиям современных финансовых рынков.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № УП-158 «О стратегии "Узбекистан – 2030"»
2. Бежбармакова Э. В., Воспитание делового человека на уроках экономики в начальной школе // Воспитание школьников. — 2013. — № 6. — С. 49-51. — (Воспитание в учебном процессе).
3. Курбонов Х.А. «Реформа финансового рынка Узбекистана» // Вестник Кыргызского экономического университета имени М. Рыскулбекова №1, 2022
4. Холяпина В. Е., Искусство считать деньги. Как повысить финансовую грамотность // Библиотечное дело. — 2012. — № 20. — С. 12-14. — (Библиотека и общество).
5. Шахназарян Г. Э., Повышение финансовой грамотности населения - важнейший приоритет государственной политики // Финансы. — 2010. — N 5. — С. 18-21. — (Финансы и бюджет: проблемы и решения).

**АГРАР ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ
РАГБАТЛАНТИРИШДА САМАРАЛИ СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ**

Иномжонова Феруза Алижоновна

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти,
“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси*

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда

бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес мұхитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш устувор йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилган¹³⁸. Солиқ қонунчилигининг беқарорлиги, мураккаблиги ва ноаниқлиги, яққол фискал хусусияти (солиқ солишининг тартибга солиш функциясининг ролини пасайтириш) инвестиция, инновация ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга салбий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини солиқقا тортиш тизими мунтазам равища ислоҳ қилинаётганига қарамай, агарар соҳадаги корхоналарнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш мақсадида солиқ механизмларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги солиқ тизимиға ўз вазифаларини тўлиқ самарали бажариш имконини бермаяпти. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга давлатнинг фискал сиёсатининг асосий инструментларидан бўлган солиқ солиш тизимини ўрганиш ва тартибга солишининг самарали солиқ механизмини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Бугунги кунда жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар ўз иқтисодиётларида рўй берадиган инвестиция жараёнларига жиддий эътибор бериб, рағбатлантиришнинг фискал механизмларини ишлаб чиқиш устида ишлар олиб бормоқла ва бунда солиқлар алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижда қишлоқ хўжалигига солиқ солишининг умумий хусусияти меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш таннархини камайтириш учун моддий-техник базани шакллантириш шартларини рағбатлантирадиган солиқ имтиёзларини беришдан иборатdir. Солиқ сиёсатини ўзгартириш ва самарали солиқ механизмини жорий қилиш орқали давлат қишлоқ хўжалиги тармоғининг иқтисодий ривожланишини фаоллаштириш ёки қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади¹³⁹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолиятини шакллантиришнинг узоқ муддатли стратегияси инвестиция жараёнларини давлат даражасида тартибга солиш заруратидан келиб чиқади. Ҳукумат аралашувининг икки йўли мавжуд:

1. давлат томонидан ўз имтиёзларини амалга оширища қўлланиладиган тўғридан-тўғри мажбурлашнинг таъсири (бюджетдан молиялаштириш, кредитлаш, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини

¹³⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>.

¹³⁹Гончаренко Г.А. Система налогообложения в сельском хозяйстве россии в современных условиях. <https://economy-lib.com/sistema-nalogooblozheniya-v-selskom-hozyaystve-rossii-v-sovremennyh-usloviyah>.

субсидиялаш, давлатга қарашли ер майдонларини имтиёзли ёки шерикчилик шартларда фойдаланишга бериш ва бошқалар);

2. олдиндан белгиланган ёки билвосита- инвестиция фаолиятини давлат учун зарур бўлган йўналишда рағбатлантиришнинг турли механизмларидан фойдаланиш (қонунчилик базасини шакллантириш, солиқ имтиёzlари, яъни алоҳида солиқ режимларини яратиш ва бошқалар).

Агар алоҳида мамлакатлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, масалан, Канада давлатида бу субсидиялар, АҚШда - фоизсиз кредитлар, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, кредит суғуртаси, Японияда - субсидиялар ва имтиёзли кредитлар, Германияда ва Буюк Британия - кредит суғуртаси каби молиявий инструментлардан кенг фойдаланилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги соҳасида инвестицион фаоллик ривожлантиришни рағбатлантириш учун инвестицион солиқ кредити кўринишидаги капитал қўйилмалар учун солиқ имтиёzlари кенг қўлланилади. Мазкур имтиёз биринчи марта 1962 йилда АҚШда жорий қилинган ва кейинги йилларда Европа мамлакатларида кенг қўлланилган. Солиқ имтиёzinинг таъсири фойдадан чегириладиган харажатлар бўйича солиқ тўловларини кечиктиришни, сўнгра кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни босқичма-босқич тўлашни таъминлашдан иборат. Солиқ кредитининг рағбатлантирувчи функцияси фақат янги инвестициялар учун қўлланилишида намоён бўлади. Ушбу солиқ имтиёзи одатда инвестицияларни янги техника, технологиялар ва бошқаларни жорий этиш ва рағбатлантиришга йўналтирувчи тадбиркорлик субъектларига берилади. У ҳисобланган фойда солиғи суммасидан чегириб ташланади ва унинг миқдори ўрнатилганмашина ва асбоб-ускуналар қийматига фоиз сифатида белгиланади. Масалан, Японияда бу имтиёз электрон асбоб-ускуналар ва техникалар учун 5,3% ни ташкил қиласи, Канадада 10-15% ни ташкил қиласи, Буюк Британияда асбоб-ускуналар ва техникаларни сотиб олиш ҳажмининг 25% ни ташкил қиласи.

Хусусан, солиқ кодексининг 308-моддасига асосан амортизация харажатлари мувофиқ аниқланадиган активнинг бошланғич қийматидан келиб чиқсан ҳолда амортизация қилиниши лозим бўлган амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестициявий чегирмаларни қўллаши мумкин. Солиқ кодексига асосан инвестициявий чегирма қўйидаги миқдорда қўлланилади¹⁴⁰:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг

¹⁴⁰Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.<https://lex.uz/docs/4674902#4684634>.

дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 20 фоизи миқдорида;

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 10 фоизи миқдорида.

Инвестиция солиғи кредити бутун дунё бўйлаб қўлланилади ва айниқса Голландияда кенг қўлланилади, бу давлатнинг солиқ тизимида бир вақтнинг ўзида унинг беш тури мавжуд: капитал активларга, энергия тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кино ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги ходимларнинг меҳнат харажатларига йўналтирилган инвестициялар.

Қишлоқ хўжалигида солиқقا тортиш нафақат давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурсларини шакллантиришнинг асосий манбаи, балки соҳадаги корхоналарнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш инструментларидан бири сифатида ҳам кўриб чиқилиши лозим. Бунда рағбатлантирувчи солиқقا тортиш тизимини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, ишлаб чиқаришнинг табиий шароитга боғлиқлиги сабабли йўқотишлар риски юқорилиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва тармоқдаги рентабелликнинг паст даражасини ҳисобга олиниши муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. <https://lex.uz/docs/4674902#4684634>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>.
3. Гончаренко Г.А. Система налогообложения в сельском хозяйстве россии в современных условиях. <https://economy-lib.com/sistema-nalogooblozheniya-v-selskom-hozyaystve-rossii-v-sovremennyh-usloviyah>.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Исаев Аслиддин Икром ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси

Жаҳон тажрибасидан маълумки, солиқ имтиёzlари қайта тикланадиган энергия, тадқиқот ва ишланмалар ёки мақсадли айrim соҳаларга йўналтирилиши мумкин ёки улар барча корхоналар учун умумий